

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Наманган муҳандислик - технология институти

**«Енгил саноат маҳсулотларини конструкциялаш ва
технологияси» кафедраси**

«Чарм буюмларини конструкциялаш» фанидан

Курс лойиҳаси

Мавзу: “Эркакларнинг миллий кийимлари”

Бажарувчи:

15у-11 гуруҳ талабаси

Саломов Қ

Қабул қилувчи:

**Умарова В
Қурбанова М**

Кафедра мудири:

Ж.Эргашев

Наманган-2015

МУНДАРИЖА

1. КИРИШ.....	
2. Кийим тўғрисида асосий тушунчалар.....	
3. Ўрта Осиё кийимлари тўғрисида қисқача маълумот.....	
4. Эркакларнинг миллий кийимлари тўғрисида маълумот.....	
5. Замонавий эркаклар миллий кийимлари таҳлили.....	
Умумий хулосалар.....	
Фойдаланилган адабиётлар.....	
Интернет маълумотлари.....	

1. КИРИШ

Бугунги кунда иқтисодийтимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқилмоқда. Шу борада, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, умумий қиймати 24 миллиард АҚШ долларида зиёд бўлган қарийб 300 та инвестиция лойиҳаси устида ишламоқдамиз. Жумладан, бунда янги қурилиш лойиҳалари – 18,5 миллиард долларни, модернизация ва реконструкция қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳалар эса тахминан 6 миллиард долларни ташкил қилади. Дастурга киритилиши мўлжалланаётган бу лойиҳалар авваламбор ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-газни қайта ишлаш, металлургия тармоқларига, енгил ва тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари саноати, машинасозлик ва бошқа соҳаларга тегишлидир.

Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги энг муҳим устувор вазифа – қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Дастурнинг яъна бир асосий вазифаси – қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат. Бу борада вазифа кенг

миқёсда қўйилмоқда – яъни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан қишлоқда ихчам технологиялар билан жиҳозланган янги, замонавий қайта ишлаш корхоналарини шакллантириш ва уларнинг кенг қўламда фаолият юритиши учун ҳар томонлама мустаҳкам хомашё базасини ташкил этиш зарур.

Бундай ишлаб чиқариш қувватлари ҳар бир вилоят, туман ва қишлоқда барпо этилиши даркор. Бу нафақат ишлаб чиқаришнинг янги ҳажмлари ва ялпи ички маҳсулотни ошириш, аввало озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини беришини аниқ-равшан тушуниб олишимиз зарур. Чунки озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж ҳамиша юқори бўлиб, бу эҳтиёж бундан буён ҳам ортиб боришига шубҳа йўқ. Энг муҳими, қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш орқали биз авваламбор иш ўринларига талаб доимо катта бўлган қишлоқларда ёшларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш имкониятига эга бўламиз-деб таъкидлаган эдилар Президентимиз И.А.Каримов [1].

Кийим жамиятнинг моддий ва маънавий таркибий қисмидир.

"Кийим" ва "костюм" тушунчалари ўхшаш бўлсада, ўзига яраша факқа эга. Кийим инсон устидаги турли қопламаларни ўз ичига олади: ич, бот, устки ва оёқ кийими, қуйлак, пайпоқ ва хоказа. Мақсади ва мўлжалланганлиги бўйича боғлик, аксессуар, безак, соч турмаги, грим билан тўлдирилган кийимларга костюм деб айтилади. Айнан костюм инсоннинг ижтимоий ва индивидуал таснифини, ёшини, жинсини, эстетик дидини аниқловчи ҳисобланади.

Костюм — бу инсоннинг индивидуаллигини ёки ижтимоий гуруҳни ифодаловчи муайян образли бадий система.

Елка ва бел кийим, бош кийим, пойабзал, қўшимчалар (аксессуарлар), безаклар, грим, соч турмаги, танани бўяш, унинг шаклини ўзгартириш — буларнинг барчаси биргаликда костюмни ташкил этади.

Либос эса кийим, устбош, одам эгнига киядиган буюмлардир.

Кийим — бу матодан қилинган, одам танасидаги қобиқ системаси бўлиб, энг аввало, танани ташқи мухит шароитидан сақлайди ва инсоннинг ўзига хос баъзи хусусиятларини намоён қилиб, эстетик функцияни бажаради.

Қадимдан ҳозиргача инсоният ўтмиши костюм тарихида ўз аксини топган.

Хар бир мамлакат, хар бир халқнинг ривожланиш босқичлари одамларнинг кийимида ўзига хос хусусиятларда ифодаланган.

Костюм шакли пайдо бўлишига, унинг ўзгаришига, мукаммаллашиб боришига қуйидагилар сабаб бўлган:

- табиий омил — Коинот, Ер, ташқи мухит, иқлим, фасл;**
- ижтимоий-иқтисодий омил — жамоанинг тузуми, халқнинг тарихий тақдири, этник гуруҳи ва миллати, дин, турмуш тарзи, фан ва техника ривожланиши;**
- инсоний омил — жинси, ёши, гавда тузилиши, психологик тури.**

Костюм ушбу сабабларга кўра ўз томонидан бир неча вазифани бажаради: химоя, биостимуляция, эротик, ижтимоий, белги, эстетик ва бошқалар.

Хар қандай давр костюми санъат асари бўлган, чунки инсон ўзининг эстетик дидига ва тасаввурига биноан бадиий образ яратган. Костюм давр ва услубга биноан ўзгариб турувчи мураккаб санъат асаридир ва у ўзига хос композицияга эга.

Костюм барча санъат турлари билан уйғунлашади, айниқса, меъморчилик билан, чунки меъморчиликда ва костюмда ўзига хос тектоник тузилишлар ва конструктив аниқлик бор.

Костюм тарихини тадқиқот қилиш учун турли манбалардан фойдаланиш мумкин: давр ва халқ тарихи, тасвирий санъат асарлари, амалий санъат асарлари, адабиёт маълумотлари ва сақланиб қолган либос наъмуналари ҳамда мода журналларидан.

2. Кийим тўғрисида асосий тушунчалар

Кийим — одам танасини ташқи номақбул таъсирларидан муҳофаза қилувчи ва эстетик функцияларни бажарувчи буюм ва буюмлар йиғиндисидир.

Кийим одам ташқи қиёфасини ўзгартиришда катта роль ўйнайди. У қиёфани 60% гача ўзгартиради. Кийим кишининг бадий дидини ифодалайди, маданий савиясини белгилайди, шахсни характерлайди. Кийим кишига нисбатан турли ҳис-туйғулар уйғотади. Масалан: жиддийлик, вазминлик, жўшқинлик, совуқлик, оддийлик ва бошқалар. Ҳозирги замон кийимлари жамиятимиз талабига мос келиши керак, яъни чиройли замонавий модада, гигиеник ва қулай бўлиши лозим. “*К о с т ю м*” — чуқур ва кенг маънога эга бўлиб, у кийим қисмлари, пойафзал, бош кийим, безаклар ва уларни кийилиш тарзи ҳамда бардошлилик тамойили асосида ташкил этилган аниқ бадий образ тизимидир. “*К о с т ю м*” сўзи французча costume – кийиниш маъносини англатиб, кийимнинг мазкур халқ, табақа, давр учун турғун, типик, умумий бўлган шаклини шу термин билан аталади. Костюм турли мамлакатлар халқларининг ўзига хос миллий қиёфасини акс эттиради. Костюм инсон баркамоллиги босқичлари билан узвий боғлиқ. Инсон камолотининг ҳар бир босқичи унинг костюмида, материалида ҳамда тайёрлаш усулларида ўз аксини топади. Айнан костюм инсоннинг ижтимоий ва алоҳида хусусиятларини, унинг ёши, жинси, характери, бадий дидини ифодалайди. Костюм инсон маданиятини билдириш билан бир вақтда одам яшайдиган муҳитни ҳам акс эттиради. Костюм шаклининг ўзгариши атроф-муҳитнинг янгиланишига қараб, одам эҳтиёжига боғлиқ бўлади. Ҳозирги вақтда костюмнинг бир қисми сифатида кийим моделларини алоҳида кўринишда ёки бадий тизим (комплект ва ансамбль) тарзида моделлаштириш бажарилмоқда. *К о м п л е к т* – бу бир неча кийимлар йиғиндисидир. У бир хил ёки ҳар хил

газламадан тайёрланадиган, бирор мақсадга мўлжалланадиган бўлиб, қўшимча кийимлар ҳам унга киради, яъни бош, оёқ кийимлар, сумка, соябон, қўлқоп ва бошқалар. Комплектлар қандай мақсадга мўлжалланганлигига қараб қуйидаги турларга бўлинади: спорт учун, йўл учун, чўмилиш учун ва ҳоказо. Масалан, йўл кийимлари комплекти: устки кийим (пальто ёки куртка), шим, бўйин ўйиндиси ёпиқ жемфердан, тўқилган бош кийимдан, паст пошнаи оёқ кийимдан ва йўл сумкасидан иборат. Комплект очик тизим ҳисобланади. Унинг таркибидаги бирор кийимни олиш, қўшиш ёки алмаштириш билан комплект вазифасини ўзгартириш мумкин. *А н с а м б л ь* – бир неча кийимлар йиғиндиси бўлиб, у юқори бадиий дид билан тайёрланади. Таркибидаги кийимлар ҳаммаси бир хил услубда тайёрланган бўлиб, улар бир-бирига ранги, газламаси ва безаклари жиҳатидан чамбарчас боғланган бўлади ва бир бутунликни ташкил қилади, бир мазмунни англатади. Кийим сўнгги мода йўналишларида, мураккаб фасонда тайёрланади. Уни қўшимча кийимлар ва зебу зийнатлар тўлдириб мустахкамлайди. Шунинг учун ансамбль ёпиқ тизим дейилади. Ундаги бирор кийимни олиш, қўшиш, алмаштириш мумкин эмас. Бу ҳолда кийим мазмуни бузилади. Ансамбль энг сўнгги мода элементларини тарғиб қилади. *Г а р н и т у р* – бу кийим тўплами айнан бир хил газламадан тайёрланади ва маълум бир мақсадга мўлжалланади. *Ф а с о н* – бир номли кийим гуруҳидаги шакл, бичиқ ва бошқа хусусиятлар фарқига айтилади. Фасон – кийим моделининг ўзига хос хусусиятлари йиғиндисини билдиради. *М о д е л ь* сўзи – кийимнинг кўриниши, шакли, материали, беаги ёки бошқа сифатлари янгича бўлган намунасини билдиради.

М о д а – атрофдаги воқеликни янгиланиб туришида доимий эҳтиёж билан боғлиқ бўлган костюм муайян шаклларнинг қисқа давр ичида ҳукмронлигини англатади. Замонавий кийимлар ассортименти. Тикувчилик саноатида қабул қилинган кийимларнинг синфланиши унинг вазифасини

аниқлаб берувчи ҳимоя функцияси белгисига кўра аниқланади. Бу белгига кўра кийимларни 3 та синфга бўлиш мумкин:

- **маиший кийимлар;**
- **спорт кийимлари;**
- **ишлаб чиқариш кийимлари.**

Маиший кийимнинг вазифаси одам организмини иқлимий таъсирлардан ҳимоя қилишдир. Спорт кийимлари спортчининг танасини турли хил шикастлардан сақлаш билан бирга, унинг спорт соҳасида катта ютуқларга эришиши учун замин тайёрлашдир. Ишлаб чиқаришга оид кийимлар одамни нафақат иқлимий таъсирлардан, балки ишлаб чиқариш таъсирларидан муҳофаза қилишдир. Бу кийим синфлари ўз навбатида кичик синфларга, турларга, гуруҳ ва кичик гуруҳларга бўлинади. Айниқса, маиший кийимлар синфи кўп сонли бўлиб, улар ўз навбатида фойдаланиш шароитига қараб қуйидаги кичик синфларга бўлинади: 1.1. Ич кийимлар; 1.2. Кўйлак-костюмлар; 1.3. Уст кийимлар (пальто, калта пальтолар, плашлар, куртка ва ҳоказо); 1.4. Корсет буюмлари; 1.5. Бош кийимлар (кепка, фуражка, беретка, шапка, шляпа, панама ва ҳоказо); 1.6. Турли хил қўлқоплар. Ҳар бир кичик синф ўз навбатида яна турларга бўлинади. Масалан, (1.2) кўйлак-костюмли кичик синфлар гуруҳи қуйидаги турларга бўлинади: 1.2.1 – пиджаклар, 1.2.2 – жакетлар, 1.2.3 – курткалар, 1.2.4 – жилетлар, 1.2.5 – шимлар, 1.2.8 – кўйлаклар, 1.2.10 – юбкалар ва ҳоказо. Жинс ва ёш аломатларига кўра кийимларни қуйидаги гуруҳларга: Э-эркаклар, А-аёллар ва Б-болалар кийимларига ажратилади. Болалар кийими ёшига кўра ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади:

- **чақалоқлар кийими;**
- **ясли ёшидаги ўғил ва қиз болалар кийими;**
- **мактабгача ёшдаги болалар кийими;**
- **мактаб ёшидаги болалар кийими;**
- **ўсмирлар кийими.**

Кийимлар йилнинг қайси фаслида кийилишига қараб: Ё-ёзги, Қ-қишки, Б/К-баҳорги-кузги кийим турларига бўлинади. Бу кийимлар қаерга кийилишига қараб қуйидагиларга:

- кундалик кийим,
- уй кийими,
- тантанали кийим,
- иш кийимларига ажратилади.

Спорт кийимлари синфи спорт турига қараб кичик синфларга, ёш ва жинс аломатларига қараб гуруҳларга бўлинади. Ишлаб чиқариш кийимлари эса вазифасига кўра қуйидаги 3 та кичик синфларга бўлинади: 3.1. Махсус кийимлар; 3.2. Форма кийимлари; 3.3. Технологик кийимлар. *Махсус кийим* ҳимоявий функцияси бўйича стандарт талабларига кўра, 13та гуруҳ ва 39та кичик гуруҳларга бўлинади. Махсус кийимлар – одамни зарарли муҳитдан (механик таъсирлардан, паст ва юқори ҳароратлардан, радиоактив моддалардан, рентген нурларидан, кислота, ишқор, ёғ ва ҳ.к. таъсирлардан) муҳофаза қилади ва кишининг иш қобилиятини сақлашга ёрдам беради. Махсус кийимлар маиший кийимларга ўхшаб ўз навбатида гуруҳларга бўлинади. Уларга 3.1.1-курткалар, 3.1.2-шимлар, 3.1.4-комбенизонлар, 3.1.6-плашлар ва хоказолар киради. *Форма кийимлари* – темир йўл ишчилари, ҳарбийлар, авиация, дарё ва денгиз ходимлари ва бошқалар учун тикилади. Уларга шинель, пальто, китель, шим, костюм, куйлак, ич кийим ва бошқалар киради. *Технологик кийим* — тиббиёт ва юқори аниқликни талаб қиладиган ишлаб чиқаришда одамни меҳнат предметларидан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган кийимлар ҳисобланади.

3. Ўрта Осиё кийимлари тўғрисида қисқача маълумот

XIX - XX аср Ўрта Осиё минтақасида улкан сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар даври бўлиб, унинг таъсири анъанавий кийимда ҳам

сезилади. Бу пайтда Россиянинг Ўрта Осиё Козоғистонга таъсири кучайиб, улар ўртасида савдо муомаласини ривожланиши билан Россиядан келтириладиган газлама ассортиментининг кенгайиши билан улардан тайёрланадиган кийимлар бичими, эни (матол эни кенгайди), безаклари, ранглар ўзгарди.

XX асрда тикув машинасининг кенг тарқалигани туфайли, тикувчи ишини енгиллаштириб, улар имкониятини анча кенгайтди. Бу даврда "европа" кийим бичими кириб келиши билан Ўрта Осиё халқларининг анъанавий кийими қадимий кўринишидан бир мунча ўзгарсада уларда урфий элементлар сақлаб қолинганди.

Ўрта Осиё ва Козоғистон халқлари миллий кийимларида улар иқлими, этнотикасига кўра фарқ билан биргаликда, улар бирлаштирувчи, деярли бир хил бичими кузатилади.

XX асрга қадар ушбу халқлар туникасимон-елкадан ошириладиган, бош учун қирқимга эга кийим кийишарди. Бундай тўхтатлик бот, белбоғли ва оёқ кийимда ҳам учрайди.

Ўхшатлик тарзи барча халқларда учрайдиган йўл - йўл матоли кийимларда намоён бўлсада, улардаги ранглар ўзаро фарқ қилар эди.

Оқ рангдаги кийим, асосан эркаклардаги калта куйлак - рубоха барча халқларда учрайди. Улардаги умумий учрайдиган крестсимон қисиб чиқарилиб, уй жихозларига кўчди.

Маиший ҳаётга кийимларни бичиб тикиш, яъни елкаси қирқимли, енгнинг овалсимон ўмизи, олд ва орқа қисмли кийимларнинг тарқалиб аввало Россияга чегарадош Қирғизистонда бўлиб, сўнг улар атрофига (камзол - мисол) тарқалди.

Қарақалпоқ ёшларнинг ардоқли ранги кўк бўлса, Ўзбек ва тожикларда қизгига ранглар ҳисобланади. Бош кийим этник хусусиятга эга бўлиб, у нафақат халқлар, балки ундаги маълум бўлақларда фарққа эга эди. Шундай бўлсада, барча халқларда салла, рўмол кўринишидаги умумий бош кийим учрасада, уларнинг ўлчамлари ўзаро фарқ қилар

эди. Салласимон бош кийим (узунлиги 3 - 11 м бўлган, шойи ва пахталик мато) қадимдан бутун Шарқ Давлатлари-Хиндистондан Мисрга қадар тарқалганди. Хоразм бош кийими ва Шимолий Хиндистон бош кийимидаги ўхшашлик уларнинг Хиндистондан келиб чиққанлиги ҳақидаги фикрни илгари сурди. Салла турк аёлларига ҳам мансуб. Ёзда салла дўппи, қишда эса телпак устидан ўралади. Оқ рангли салла олий табақага тегишли эркакларга мансуб бўлса, ўрта табақадагилар яшил, сарғиш рангли салла ўрашарди.

Фарғоналиклар фикрига кўра, салла ўралган кишидан катъий тартиб, намунали хулқ - атвор талаб этиларди. Шундан бўлса керак, бу минтақада саллани ўраш чекланган эди.

Устки кийим ўн, камзол, чакмон, яхтак бўлиб ҳисобланарди. Кейинчалик умумий дўпписимон бош кийимлар тарқалиши ривожланди. Турмуш кўрган аёл ва эркаклар дўппи кийишар эди.

Доимо мулоқотда бўлиб келган Ўрта Осиё халқларининг кийимлари ўзига хос хусусиятлари билан биргаликда, ўхшаш томонларга ҳам эга.

XX асрда туникасимон кийим анча ўзгаришларга учрасада, унинг асосий тамоили - мато танда ип бўлиб, иккига букланади (елка қирқимисиз) ва бош учун ёқа ўмизи қирқилади. Бу даврга келиб, улоқ - ластовица ёқа пайдо бўлиб, Қашқадарё халқи ва араблар куйлагида учрайди. Куйлак этаги очиқ рангдаги, тор энли газлама (30 - 40 см) ва ёнига уланадиган клинкалардан иборат эди. Кейин чалик кийим деталлари бурчак остида қирқала бошланди.

Ўзбек халқининг илк ёқаси - тик ёқа бўлиб, ёқа ўмизига энсиз, туғри тўртбурчак газлама бўлаги уланади. Бундай ёқалар ҳозирда ҳам халатсимон кийимларда учрайди. Бундай тик ёқа - рубахаларда учрайдиган, кўкраккача уланадиган планкасимон ёқага тахлид эди. Ёқали кийимлар билан биргаликда, ёқасиз бурчак қирқимли халат ва куйлаклар ҳам ҳозирда учрайди. Кийим узунлиги тиззадан юқоридан

бўлиб, улар остидан кенг иштон - лозим кийилиб, уларнинг почалари этикка тиқиб кийиларди.

Устки кийим ён қирқимларга эга бўлиб, уларнинг ёқа атрофлари, енг ва этак учлари авралик газламадан ранги фарқланувчи газлама тасмаси билан безатиларди.

Маълумки, диний маросимларда кийиладиган кийимларда кадимий конструкция ва безак усулларидан фойданилади. Масалан, муллача - куйлак, мусулмон-куйлак оқ рангдаги туникасимон, горизонтал ёқа ўмизли куйлак бўлиб, барча ёшдагилар кийишади.

Олий табақага тегишли кишилар чопонлари қимматбаҳо зарип ва тот, марваридлар билан безатилар эди. Қадимда эркаклар учун ҳам аёллар учун ҳам махсус ички кийимлар бўлмаган. Ички кийим сифатида юпқароқ куйлак ва лозимлар ишлатилган. Натижада икки, уч ёки ундан ҳам ортиқ куйлаklar устма - уст кийилган. Узун куйлак кийиш бутун мусулмон хотин - қизларига хос хусусиятдир. Хотин-қизлар куйлаklари уларнинг ёшларига қараб турлича бўлган. Хотин - қизларнинг энг оммавий куйлаklаридан бири "елка ёқали" ёки "кифтаки" деб аталган куйлакдир. Бу хилдаги куйлакни кўпроқ қариялар, қизлар ҳам кийишган. Қизлар турмушга чиққунча ана шу куйлаklарда юришган. Қадимги одатга кўра, қизларга турмушга чиққанларида никоҳ кунлари оқ рангли "куртак пешкушо" дейиладиган куйлак кийдирилган. Бундай куйлакни кийганда, у бахтли ва ҳаётда ҳамма ишлари учун "олди очиқ" деб ишонишган. Бундай куйлакнинг орқа ёқа қирқимиға "паскафо" номли детал тикилгани учун ёқаси тик турган. Асрмизнинг 30 - 40 йилларига келиб бу куйлакни фақат маъракаларда, хайит кунларида кийиладиган бўлди. Уни қимматбаҳо бахмал, парча, помбархт каби газламалардан тиқиб, тагидан юпқа оқ куйлакча кийиб узун енгларини устки куйлакнинг енги устидан қайириб қўйилган. Кундалик кийим сифатида уни фақат қариялар кийишган.

XIX аср кийимларини ўрганган тадқиқотчи олимларнинг фикрича, хамма куйлақлар: аёллар, болалар ва эркақлар куйлақлари бир хилда бичилган ва тикилган. Эркақлар, болалар ва ёш қизлар куйлагининг ёқаси горизонтал қирқилган, аёллар куйлагининг ёқа ўмизини эса вертикал қирқилган. Ёқа ўмизини адип билан ишлаб, ингичка зий тикилган, қизлар ва аёллар куйлагининг ёқа ўмизини "жонона", "қуш жонона" номли қўлда бармоқларда тукилган жияқлар билан безаб тикилган. Эскича куйлақ миллий куйлақ сифатида ҳозир ҳам ишлатилади, уни санъаткорлар, келинлар, отинойилар, қари момолар киядилар. Айниқса бу хилдаги куйлақни намозхонлар киядилар. Маросимда кийиладиган куйлақларнинг олди то этагигача ва енгларининг учи кашта нақшлари билан безатилган, баъзан "пеши курта" ва "нуғи остин" деталлари алоҳида тикилиб, ҳар хил куйлақларга тақилган. Куйлақларнинг енг остидан юпқа оқ ёки оқиш рангда куйлақча кийилган. Бу куйлақчанинг енги 80 см гача бўлиб ёқасига пар-пар тикилган ёки енги билан бир хил кашталар тикилиб безатилган, енг учига арабча сўзлар ёзиб тикилган. Остки куйлақчанинг узунлиги ҳар хил бўлиб баъзан белгача ёки ундан узунроқ бўлган. Бундай куйлақ ич куйлақ бўлиб, доимо алмаштирилиб турилган. Бухороча куйлақлар учун ҳар хил газламалар танланган. Оддий сурпдан тортиб, енг қимматбаҳо ва сежило кундал, фаранг (ипак мато, хонатлас, банорас, адрас, тақир бахмал ва бошқалар).

4. Эркақларнинг миллий кийимлари тўғрисида маълумот

Эркақлар костюми. Барча ёшдаги эркақлар кийими туникасимон бўлган. Бу эркақлар кийимининг қадимийлигини ифодалайди. Эркақлар кийими ички ва устки, бел ва елка кийимлардан иборат.

Қадимдан эркақларнинг ички куйлагининг узунлиги тиззагача бўлган, кейинроқ уни бўксасигача қисқартиришди. Куйлақнинг ёқаси икки хил бўлган. Фарғона водийсида ёқани туғри туртбурчак шаклда

матонинг диагонали бўйича қирқиб, кенг томонларини бириктириб вертикал ёқа ўмизига тикишган. Куйлакнинг иккинчи турида эса, ёқа ўмизи горизонтал қилинади. Фарғона водийсида ва Тошкентда уни *"муллавачча"* деб аташарди. Ёқа ўмизининг чеккаси жияк билан тикиб чиқиларди. Кўндаланг ёқали куйлакни Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразмда ҳам кийишган.

Фарғона ва Тошкент вилоятларида ички куйлак *"яхтак"* кенг тарқалганди. Уни ип матолардан (чит, бўз) тикишарди. Яхтакни ёшлар ва кексалар кийишган. Бу енгил ва қулай куйлакнинг олди очик бўлиб, узунлиги тиззагача ёки узунроқ эди. Ёқаси зич чоклар билан қавиларди, кўкрагида битта тугма ва измага тугмаланарди.

Ички бел кийими *"иштон"* кенг бўлган. Узунлиги тўпиқгача бўлиб, иштонбор билан махкамланарди. Иштонни ип газламадан тикишган. Совуқ пайтда жун ёки қалин ип газмолдан тикилган астарли ёки астарсиз *"шимни"* кийишарди; чавандозлар наमतдан қилинган, овчилар — муйна ёки жундан қилинган астарсиз *"шалвар"* кийишарди. Бу шалварлар Ўрта Осиё эркакларининг қадимий кийими бўлган.

Эркакларнинг устки кийими турли чопонлар эди. Уни куйлак устидан кийишган. Чопонларнинг туникасимон бичими икки турли бўлган:

Чопоннинг биринчи тури яхлит мато парчасидан бичиларди; туғри ёки сал торайган енглари гавда қисмига ёпишиб, қўлтиғига хиштак (ластовица), ёнларига қийиқ томони билан улоқлар тикиларди.

Чопоннинг иккинчи турида гавда қисми икки бўлак матодан қилинади. Чопонларнинг икки ёнидан кесимлар қилинганди. Ёқаси, этаги ва енгининг учига тасма ёки жияк, кўкрагида иккита боғич тикиларди. Чопонлар астарсиз, астарли ва пахтали қилинади. Фарғона водийсида, Тошкент ва Хоразмда қавилган чопонлар гавдага ёпишиб турарди. Уларни каторида Фарғона водийсида астарсиз чопон *"авратун"*ни қавилган чопон устидан кийишарди.

Зарчопонларни асосан амирлар кийишган. Қишда бадавлат эркаклар қавилган чопон устидан *"чакмон"*, *"кебанак"*, мўйнали *"пўстин"*ни кийишарди. Чакмоннинг бичими чопонга нисбатан кенгрок, ва эркинрок бўлган, ёқаси эса орқада тик бўлиб, олдида торайяр эди. Чакмон қўй ёки туя жунидан қўлда тўкилган матодан қилинарди. Чорвачилик билан шуғулланган Ўзбеклар жун матодан қилинган чопон *"кебанак"* кийишган. Ўрта ва катта ёшли эркаклар қишда қўй терисидан қилинган пўстин кийишган. Чопонлар ва пўстинлар икки бортли бўлиб, чапдан ўнгга ўраларди ва белбоғсиз кийиларди. Уларни чегараларига мўйна тикиларди.

Белбоғлар (*белкарс, чорси, кийикча*) маҳаллий матодан квадрат шаклида қилиниб кашталанарди. Бадавлат одамлар ва мансабдорлар духобадан қилинган зар уқали ёки ироқи усулда кашталанган кенг камарни такишган. Камарларга сирланган, қора кумуш билан ишлов берилган ёки тағнишон (қадама нақш) қилинган катта тўқага қадаларди. Қишда кийимни ип ёки ипакдан қилинган (узунлиги 11м гача) *"ўрама белбоғ"* билан боғлашарди.

XIX аср ўрталаридан бошлаб Россиядан келган *"камзол"*ни шаҳарликлар кийишган. Бу олди берк тугмаланган, тик ёқали, орқасида кесими йўқ, сюртуксимон кийим бўлган. Уни куйлак устидан кийишар эди. Қишда эса унинг устидан чопон кийишарди.

XIX асрда энг кенг тарқалган бош кийим дўппи (*қалпоқ, каллануш* ва бошқалар) бўлган. У газмолдан тикилиб, одатда, ипак ёки кумуш ва зар иплар билан кашталанарди. Олдин, дўппининг шакли салла ўрашга қулай бўлиши учун, чўққили қилинарди, гардиши эса кенг бўлган.


XX асрда квадрат ёки юмалоқ тепали дўппилар пайдо бўлди. Фарғона водийсида ва Тошкентда *"бодом"* ва *"қалампир"* нақшли (чуст дўпписига ўхшаш), Қашқадарёда туташ ироқи кашта қилинган *"гиламдўппи"*, Сурхондарёда *"пилтадўзи"* дўппиларни кийишган.

Кашта қилинган дуппилар қаторида Тошкентда тўқ духобадан тикилган каштасиз дўппилар кенг тарқалганди. Дўппининг яна бир тури — *"шобпуш"* — ип газмолдан қилиниб, машина ёки қўлда қавиларди. Уни қишда бош кийим остидан ёки кечаси ётганда кийишарди.

Рухонийлар ва айрим аслзодалар, кексалар уч ёки тўрт қиррали мато парчаларидан тикилган баланд юмалоқ бош кийим *"куло,"ни* кийишган.

Фарғона водийси қишлоқ аҳолиси наमतдан қилинган қирмиз қалпоғини, қишда эса қозоқларникига ўхшаш мўйнадан *"тўмоқ,"* кийишган.

Хоразмда узун муйнали қўй терисидан қилинган катта юмалоқ ясси бош кийим *"чугурма"ни* кийишган.



1-расм. Хоразм эркаклари оёқ кийими: 1-махси; 2, 3-кавуш; 4-орик, 5-оқ этик; 6-тейди, наमतдан пайпоқ; 7-9-пайпоқ кашталарининг намуналари.

Қишда дўппининг устидан мўйнадан қилинган, астарли юмалоқ бош

кийим — *"телпак"* кийишган. Бухоро воҳасида мўйнадан конуссимон шаклли бош кийим кийишган. Унинг тепаси қоракулдан, чеккаси — қундуз мўйнасидан ва ичи — қўй мўйнасидан қилинарди. Фарғона водийсида ва Тошкентда қалпоқлар духобадан тикилиб, чеккаси тулки, сувсар ёки барра мўйнасидан қилинарди.

Саллани ип, нимжун ёки докадан қилишарди. Аҳолининг ҳар бир ижтимоий табақаси учун саллани ўраш усули бўлган, Бухорода эса, саллани ўрайдиган махсус мутахассислар бўлган. Ишлаган пайтда ва уйда бошни салла ўрнига чорси ёки мато парчаси билан боғлашарди.

XX асрга қадар саллани ўспиринлар ҳам кийишганди. Қарилар салласи — оқ, ўрта ёшларники — кул ранг, ёшларники — ранг-баранг бўлган. Эркакларнинг асосий оёқ кийими маҳси, кавуш бўлган. *"Америкон"* (Америкадан келган) чармдан қилинган оёқ кийимлари қимматбаҳо эди. Маҳси ва кавушлар қалин чармдан қилинарди. Ёзда кавушнинг узинини кийишарди. Улардан ташқари, эркаклар баланд қўнжли ва пошнаלי этик кийишган.

Қишлоқда оёқ кийимлар оддийроқ бўлган: этик, *"чорик,"* (қўнжсиз оёқ кийим), калта этик *"мукки"* (пошнасиз, юмшоқ ва қаттиқ теридан тикилган) ёки *"товулдирик,"* (ёғочдан қилинган уч оёғли), далада ишлаганда *"хом кавуш"* (мол ёки от хом терисидан ишланган) кийишган.


5. Замонавий эркаклар миллий кийимлари таҳлили

Ўзбек халқи доимо ўз анъаналари ва урф-одатларига бўйсиниб яшайди! Йиллар ўтсада у ўз этиқоди ва ўзлигини унутмайди! Азал-азалдан ва ҳозирги кунда ҳам Наманган вилояти тўқувчилик, тикувчилик, зардўзлик, касаначилик, косибчилик ва шунга ўхшаш ҳунармандчилик билан шуғулланиб келмоқда. Бундай ҳунармандлар орасида элга танилган ва юксак унвонлар соҳиби бўлган Абдулатифхон ота Аҳмаджанов, Халимаҳон ва Салимаҳон Қосимовалар, Рукия Дадабоева, Зулайхо Махмудова, Зулайхо Насимханова, Хусанбой Бойдадаев ва бошқалар.

Бугунги кунда юқорида номи келтирилган уста хунармандлар томонидан "Хошиятхон", "Гул намошом", Атир гул", "Бодомча" каби адрас ва атлас газламалари, "Ситора", "Инжиқ", "Илма", "Тўй бола" нусхали чуст дўппилари, "Духоба", "Беқасам", "Зар чўпон" каби тўнлар, "Қалампиш нусха", "Гумбаз нусха", "Сўзана" нусхаларда зар тўн, белбоғ ва дўппилар, "Хром", "Лок", "Амиркон" ва "Пайпоқ" номли эркаклар ва аёллар турли-туман махсиларини ишлаб чиқиб, ички ва ташқи бозорларга экспорт қилиш орқали оилавий бюджетга қўшимча даромад олиб кирмоқдалар.



"Шуҳрат" медали соҳибаси Ҳалимахон Қосимова ижодидан лавҳалар



Наманган вилояти савдо расталаридаги хунармандларимиз тамонидан
тайёрланган маҳсулотлардан наъмуналар

Эркаклар замонавий миллий кийимларига тўхталадиган бўлсак, бугунги кунда Наманган вилоятида кундалик бош кийим сифатида асосан чуст дўппиларига эҳтиёж катта. Чуст дўппилари жуда турли-туман бўлиб, уларга: "Тўй бола", "Булбулча", "Ситора", "Инжиқ", "Илма" ва бошқа номдаги дўппилар киради.

Анъаналаримизга кўра эркаклар миллий кийимларини бирор бир тадбир ва маросимларга киядилар. Аксарият ўрта ёшли эркаклар чуст дўппиларини ва пичоқларини, катта ёшлилар эса дўппи, тўн ва махсиларни кийишни урф қилганлар.

Марака ва хайит айёмларига эркаклар қора виллор ва майда қилиб қавилган сидирға газламали хаворанг беқасам тўнлар, белбоғ ва чуст дўппиларини кийишмоқда (1-модел).

Пойтахтимиз Тошкентда ёрқин рангдаги беқасам, духоба тўнларни катта ёшли эркаклар (сарочка, яхтак ва духоба дўппилар билан бирга) кундалик, уй шароити ва маросимларда кийишни урф қилганлар (2-модел).

Қадимги урф-одатларимизга кўра бугунги кунда Тошкент, Фарғона водийси ва айрим бошқа вилоятларда куёвлар тўйи куни зар чўпон, салла ёки дўппи, махси ёки замонавий пойабзалларни кийишлари одатий ҳолга айланмоқда (3-модел).

Йиллар ўтган сари ўсмир ёшларимиз ўртасида ҳам яхтаксимон куйлақлар кийишга эҳтиёж ошиб бормоқда. Бундай куйлақларни турли бичимда, миллий газламалар билан уйғунлашган ҳолда табиий ип газламалардан ҳам тайёрлаш мумкин (4-модел).

Хулоса

Кафедра тамонидан менга “Эркаклар миллий ассортиментларининг таҳлили” номли илмий мавзу берилди. Ушбу мавзу бўйича режа тузиб олдик. Мавзуга оид керакли маълумотлар манбасини йиғдик. Кийим тўғрисида асосий тушунчалар, Ўрта Осиё кийимлари тўғрисида қисқача маълумот, эркакларнинг миллий кийимлари тўғрисида маълумот ва Наманган вилояти бўйича замонавий эркаклар миллий кийимларини ишлаб чиқиш ва уни таҳлили бўйича маълумотларни ёритиб ўтдик.

Курс лойиҳасини бажариш давомида "Тикув буюмларини конструкциялаш" фанидан олган билим ва кўникмаларимизни мустаҳкамладик.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби (2-қисм)
2. Н. М. Каминская. История костюма. М, 1986.
3. Л. Орлов, Азбука моды. М. 1989.
4. Г.К. Хасанбоева, В.А. Чурсина. «Костюм тарихи»
5. Р. Г. Муминова очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI веке. Т. 1976.2.
6. Н. П. Лобачева, М. Б. Сазонова. Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстан, М.1989.3.
7. А. Мадраимов, Н. Норматов. Шарк миниатюралари театриТ.1989.4. А. О.
8. Сухарева История среднеазиатского костюма.
9. Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана (Музей

этнография и коллегия авторов)

10. Х. Исмоилов «Анъанавий Ўзбек кийимлари»

http://www.shelkoviypu.ru/national_costumes.html

<http://www.biblus.ru/Default.aspx.class>







